

ТУРИЗМ СОҲАСИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ТУРИСТИК ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада туризм соҳасини ривожлантиришда рақамли технологияларнинг ўрни ва аҳамияти, юқори сифатли хизмат кўрсатишда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш долзарблиги ёритиб берилган. Бундан ташқари рақамли технологиялар билан боғлиқ туризм хизматларини рақамлаштириш, туризм хизматларини самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини ўрганиш, туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имкониятлар яратиш кластерини яратиш, туризм хизматлари бозорини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда тартибга солиш, рақамли технологияларга асосланган туристик хизмат турларининг концептуал йўналишларининг илмий-услубий ёндошувлари тўғрисида фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар. Туризм, рақамли технология, юқори сифат, рақамли иқтисодиёт, туристик маҳсулот, хизмат кўрсатиш, виртуал, онлайн, инновацион, рақамли хизматлар, кластер, рақамлаштириш, инфратузилма.

Кириш (Introduction)

Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, хусусан туризм соҳаси фаолиятига инновацион технологияларни олиб кириш туристик корхоналарни инновацион ғоялар асосида бошқариш, корхона ҳаражатларини кескин камайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва энг асосийси рақамли технологияларга асосланган туризм маҳсулотларини яратиш, мавжуд туризм маҳсулотларни инновацион қонуниятлар асосида такомиллаштириш имконини беради.

Туризм корхоналари рақамли технологиялардан фойдаланиб янги туризм маҳсулотларини ишлаб чиқиш орқали ички ва халқаро туризм бозорида рақобатбардошлигини таъминлайди. Шу билан биргаликда рақамли технологияларнинг туризм корхоналарига жадал кириб келиши корхонанинг ташкилий-бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган янги усуллари қўллаш билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирда глобал туризм индустриясининг ривожланиш тенденцияларидан бири рақамли технологияларининг ривожланиши, бошқача айтганда, туризмнинг замонавий ривожланиши рақамли иқтисодиётда кечмоқда. Яъни рақамлаштириш жараёни жуда кўплаб соҳалар каби туризм индустриясини ҳам четлаб ўтмади. Потенциал сайёҳлар томонидан веб-ресурслардан кенг фойдаланиш рақамли туризм пайдо бўлишига, мижозларга саёҳат йўналишини ва туризм соҳасидаги қарорларни қабул қилишга ёрдам берадиган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш учун интеллектуал веб-сервисларнинг ривожланишига олиб келди. Жумладан, Республика иқтисодиётида туризмни стратегик даражага кўтариш, ички туризм хизматларини диверсификация қилиш ва ҳажмини кескин кўпайтириш, фуқароларни мамлакатимизнинг туризм салоҳияти билан таништириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, тақдим этилаётган туризм хизматлари сифатини яхшилаш ва жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш, туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имкониятлар яратиш, замонавий хизматлар инфратузилмасини жадал рақамлаштириш орқали ривожлантириш мақсадида электрон платформа ва мобил иловалардан фойдаланиш белгиланган [1].

Шу мақсадни амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелда “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сон Қарори [2] ва 2023 йил 24 майдаги “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-162-сон Қарори [3] ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар соҳани ривожини учун ҳисса қўшишга хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Сўнги йилларда республикада рақамли иқтисодиётга ўтиш ва туризм соҳасида рақамли технологияларни қўллаш борасида бир қатор илмий изланиш ва ишлар амалга оширилаётган бўлиб, уларни жорий қилиш турлича талқин қилинган ва таърифланган.

Рақамли туризм бўйича етук мутахассислардан бири Буюк Британия Борнмут университети профессори Дмитриос Бухалис ўзининг “eTourism: Information technology for strategic tourism management” номли мақоласида рақамли туризмни электрон туризм, смарт туризм атамалари билан бир хил эканини таъкидлаб, электрон туризм бу ташкилотларга туризм, саёҳат, меҳмондўстлик ва умумий овқатланиш соҳаларидаги самарадорликни оширишга имкон берадиган барча жараён ва хизмат занжирларини рақамлаштиришдир, деб таъкидлаган [4]. Россиялик олимлар Н.Морозова ва М.Морозовнинг фикрига кўра, замонавий туризм саноати янги электрон технологияларнинг жорий этилиши билан катта ўзгаришларга эга бўлади. Турмаҳсулотни яратиш ва сотиш технологиясини хусусияти қисқа вақт ичида транспорт воситаларини эришиш ва туристларни жойлаштириш имкониятлари ҳақида маълумотларни тақдим этиш, жойларни тез бронлаштириш ва резервлашни таъминлаш, ҳамда сифатли туристик хизматларни тақдим этишда қўшимча вазифаларни ечишни автоматлаштиришни таъминлайдиган тизимларни яратишни талаб этади [5].

Туризм соҳасининг юқори сифатли хизмат кўрсатиш ва туристик хизмат турларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича мамлакатимиз олимларидан К.Х.Абдурахмонов [6], И.С.Тухлиев [7] А.А.Эштаев [8], Б.Ш.Сафаров [9], А.Н.Норчаев [10] ва Б.Қ.Жанзаковлар [11] ларнинг илмий тадқиқотлари туризм инфратузилмасини ривожлантиришда етакчи рол ўйнаши, туризмда рақамли хизматларнинг шаклланиши масалаларига атрофлича эътибор қаратилган ва бу борада мулоҳаза юритилган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Тадқиқот ишида рақамли иқтисодиёт шароитида ҳамда жаҳонда юз бераётган турли салбий сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар даврида, туризм соҳасини комплекс ривожлантириш, туризм соҳасини ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, туризм хизматларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва омиллари ўрганилиб, мазкур йўналиш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига таянган ҳолда таҳлил ва синтез, кузатиш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, расмий-мантаний, операцияларни тадқиқ этиш, статистика ва иқтисодий таҳлил каби усуллар орқали туризм соҳасини рақамли технологияларга асосланган туристик хизмат турларидан фойдаланишнинг концептуал йўналишларини белгилаш таклиф этилган. Шунингдек, ҳудудларда туристик объектлар фаолиятини самарали ташкил этиш, туристик инфратузилмаларни оқилона ривожлантириш ва рақамли билимга эга сифатли кадрларни тайёрлаш ҳамда туризм индустрияси ривожланишини қўллаб-қувватлаш даражалари бўйича омилларга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Туризм соҳасини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилиб келинмоқда.

Айни пайтда қайси соҳага назар ташламайлик, “**рақамли**” сўзига дуч келамиз ва бугунги кун талаби ҳам шундай муҳитни яратишга ундамоқда. Туризм соҳани ривожлантириш учун унинг фаолиятига энг сўнги русумдаги техник-ускуналарни, дастурий маҳсулотларни жорий қилиш, ишчи-ҳодимлар учун кундан-кун қулай шарт-

шароит яратиб бериш, инсон фаолиятида рақамли технологияларнинг имконият даражасидан самарали фойдаланиш, рақобатбардошликка мос ҳолда хизмат кўрсатувчи корхонани яратмасак, ҳар қанча уринмайлик туризм бизнесидан четга чиқиб қолади.

Баъзида **“рақамлаштириш”** атамаси маълумотни аналогдан рақамлига ўтказишда тегишли атаманинг ўрнига (аниқлаш) мажозий маънода ишлатилади. Масалан, овозни рақамлаштириш.

Рақамли технологиялар - маълумотларни яратиш, сақлаш ва бошқаришга ёрдам берадиган рақамли қурилмалар, тизимлар ва ресурсларни англатади. Рақамли технологияларнинг муҳим жиҳати ахборот технологиялари (ИТ) бўлиб, маълумотлар ва маълумотларни қайта ишлаш учун компьютерлардан фойдаланишни англатади. [12]

Рақамли технологиялар ҳаётимизга шунчалик сингиб кетдики, бугунги кунда нафақат кундалик фаолиятимиз, балки ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Табиийки, бошқа соҳаларда бўлгани сингари каби рақамли технологияларни туризм соҳасида жорий этиш ҳам унинг фаолиятини тубдан ўзгартирмоқда. Бу нафақат туристлар ва туристик корхоналар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ бўлиб қолмай, балки турмахсулотларни тақдим этишдан тортиб, то хизматларни тўлаш ва маълумотларни сақлаш усулларигача ҳам янгиликликлар киритяпти.

Ушбу рақамли технологиялар жаҳон бозорида 2016 йилдан бери тақлиф қилинмоқда ва ҳозирги вақтга келиб уларга бўлган сўровлар 62% га, мобил қурилмалар иловаларидан поезд чипталарини қидириш 50% га ва туризм маҳсулотларини қидириш - 65% га ошганлигини кўришимиз мумкин.

Рақамлаштириш асрида рақамли технологиялар туризм соҳасини ҳам четлаб ўтмайди. Бугунги кундаги кўплаб сайёҳлар уларга сифатли хизмат кўрсатилишига ўрганишган. Айниқса кўп сайёҳат қиладиган кишилар муайян хизматлар тўпламига кўниккан бўлади.

Ўзбекистонда смар-туризм платформаси устида фаол иш олиб борилмоқда. Унда турли ИТ-компаниялар томонидан кўрсатилувчи хизматлар ягона платформага бирлаштирилган. Бу шуни билдирадики, сайёҳ мазкур электрон сервислардан бирига кириб, қолган хизматлардан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Рақамли иқтисодиётни комплекс рақамли технологияларига қуйидагилар киради:

- ❖ Катта ҳажмли маълумотлар билан ишлаш технологиялари – BIG DATA;
- ❖ Сунъий интеллект –Artificial Intellect;
- ❖ Булутли технологиялар – Cloud Technologies;
- ❖ Мобил технологиялар- e-mobile;
- ❖ Буюмлар интернет – Internet of Things;
- ❖ Робототехника ва сенсорика;
- ❖ Рақамли электрон платформалар ва экосистемалар;
- ❖ Квант технологиялари;
- ❖ СМАРТ – контрактлар;
- ❖ 4.0 саноат технологиялари
- ❖ Виртуал ва кенгайтирилган реаллик технологиялари – Virtual Reality (VR) and Augmented Reality (AR);
- ❖ Крауд-сорсинг ва крауд-фондинг технологиялари;
- ❖ Блокчейн технологиялари;
- ❖ Криптовалюталар ва ICO (Initial Coin Offering) технологиялари;
- ❖ 3Д, 4Д – технологиялар.
- ❖ Дрон – технологиялари

Рақамли технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни туризм соҳасига жорий этиш орқали қуйидаги қулайликларга эга бўламиз:

-тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлқира ва бошқа ресурслар тежаллади).

-турмахсулотлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

-рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари салмоғи катта бўлади.

-фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез қабул қилиб олиш ҳисобига товар ва хизматлар талабга қараб жадал такомиллаштирилади.

-тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ каби функциялари барқарор ривожланишига ҳисса қўшади.

Рақамли технологияларни жорий этиш соҳа рақобатбардошлигини оширишда, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти билан потенциал сайёҳларни таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Туризм соҳасида рақамли технологияларни қўллашда онлайн хизматлари алоҳида ўрин тутди. Одатда туризм соҳасида қуйидаги онлайн хизматлари кенг тарқалган:

- авиа, темир йўл, автобус ва автомобил маршрутлари бўйича билетларни онлайн усулда заказ қилиш ва сотиб олиш;

- туризм бўйича онлайн маслаҳат бериш хизматлари;

- автомобилларни онлайн ижарага бериш хизмати;

- саёҳатларга, махсус турларга ва кўргазмаларга буюртмалар бериш ва уларни сотиб олиш бўйича хизматлар;

- билетларнинг ва турли-хилдаги саёҳатларнинг калкуляциясини электрон усулда тақдим қилишнинг онлайн сервислари;

- онлайн усулда меҳмонхоналарни буюртма қилиш хизматлари;

- шаҳарлар, музейлар ва кўргазмаларга виртуал саёҳатлар уюштириш сервислари ва бошқалар.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий рақамли трансформация 2019 ва 2022 йиллар оралиғида Covid-19 пандемияси сезиларли даражада таъсир кўрсатди. QR-кодлар Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарларида жорий этилди, кўплаб муассаса ва ташкилотлар ходимлари масофавий иш форматига ўтказилди, Тошкент метросида биометрик тизим лойиҳаси ишга туширилди - бу ва бошқа кўплаб рақамли эчимлар Ўзбекистон фуқароларининг ҳаётини сезиларли даражада ўзгартирди, шунингдек, туризм саноатининг ривожланишига туртки бўлди.

Туризм фаолиятида рақамли технологияларни қуйидаги йўналишлар бўйича жорий этиш мумкин:

- янги туризм маҳсулотларини ишлаб чиқиш;

- туризм бозорининг янги сегментини яратиш;

- мавжуд туризм маҳсулотларини такомиллаштириш;

- туризм ресурслардан максимал фойдаланиш имконияти;

- мижозлар билан ишлашда янги технологиялардан фойдаланиш;

-туризм корхоналари бошқарувида янги техника ва технологиялардан фойдаланиш.

Туризмда ахборот технологияларининг тарқалиши бир қанча қўшимча ижтимоий-маданий, иқтисодий ва сиёсий омилларга боғлиқ. Ахборот технологияларининг яқка ўзи туризм хизматларининг “янги комбинация-лари”ни ярата олмайди, албатта технологияларнинг бир қанча ижтимоий, институционал, ижтимоий-сиёсий ва маданий омиллар билан қўшилишигина товар ва хизматлар, метод ва бозорларнинг янги комбинацияларини яратилишига олиб келиши мумкин. Телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва интерфейслар шунга кўмаклашадики, ахборот тизимларидан бевосита саёҳатчини фойдалана олади. Агар тизим тўғри қўлланилаётган бўлса, ахборот технологиялари хизматнинг юқори сифатини таъминлайди, шундай қилиб, мижозларнинг талаби тўлароқ қондирилади. Лекин юксак технология билан зарур даражадаги шахсий эътибор ўртасида муайян мувозанатни сақлаб туриш талаб этилади. Туризм соҳасида ахборот технологияларининг ролини кўриб чиқар эканмиз, шуни ёдда тутиш керакки, туризмни ривожлантиришнинг назарда тутилаётган ишланмалари ва режалари қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:


- туризм бозорининг ҳолатини ва бу тармоқ равнақининг асосий муаммоларини қандай баҳоламоқ керак;

- туризм бозорининг қайси асосий йўналишлари минтақа манфаатларига тўлиқроқ жавоб беради, маблағларни қарға ва нимага самаралироқ сарфлаш керак;
- қандай қилиб минтақанинг имиджини яхшилаш ва сайёҳлар учун вилоятларнинг жозибасини ошириш мумкин;
- туризмни ривожлантириш эвазига минтақанинг ижтимоий-иқтисодий раванқини қай яхлитда рағбатлантириш мумкин.

Мамлакатимизда туризмда ягона ахборот тармоғини қуришда лойиҳанинг турли фаолият кўрсатаётган субъектлари ўртасида локал алоқасини ўрнатиш оралиқ қадамлардан бири бўлиши мумкин. Ўзбекистоннинг туризм индустриясида ахборот технологиялари бозорини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда офис ичидаги операцияларнинг турли жиҳатларини автоматлаштириш билан бир қаторда узокдан туриб резервлашнинг локал (маҳаллий) ҳисоблаш тармоқлари ва тизимларини яратиш имконияти бор.

Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, инновациялар ва инновацион салоҳиятнинг структурасини белгилаш, ундан ва унинг таркибий қисмларидан нафақат миллий миқёсда, ҳудудларда, балки алоҳида корхона учун ҳам фойдаланиш зарурияти туғилади. Буларнинг барчаси потенциал имкониятларни янада тўлиқ очиш ва инновация соҳасида фойдаланилмаган захиралар миқдорини аниқлаш учун муҳим саналади.

Туризмда рақамли технологияларни ривожлантириш йўналишлари бевосита истеъмолчи, хизматлар ва хизматлар кўрсатиш усуллари билан боғлиқ (1–расм).



1-расм. Туризмда рақамли технологияларнинг усуллари ва турлари[13]

Туризмда инновацион технологияларни ривожлантириш йўналишлари бевосита истеъмолчи, хизматлар ва хизматлар кўрсатиш усуллари билан боғлиқ.



2-расм. Туристтик шаҳар муҳитига рақамли технологияларни жорий этиш йўналишлари [14]

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси устувор йўналишида рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш вазифаси қўйилган. Ушбу вазифани бажарилиши макро даражада туризм соҳасини ривожлантириш, ЯИМдаги улушини ошириш, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришни тақозо этмоқда.


Ўз навбатида, инновациянинг асосий мақсади сифатида қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши назарда тутилади:

- ✓ мавжуд хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш;
- ✓ хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан ўсишига эришиш, умумий харажатларни минималлаштириш;
- ✓ ички ва ташқи бозорда рақобат устунлигини таъминлаш;
- ✓ энди шаклланиш ва ривожланиш босқичида бўлган туристик корхоналарни давлат томонидан молиявий-кредит ҳимояси;
- ✓ керакли даражада инвестиция капиталини тўплаш;
- ✓ янги тармоқлар ва ишлаб чиқаришларнинг таркиби ва шаклланишини диверсификация қилиш;
- ✓ корхонанинг бандлик даражасини ошириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барча қўйилган вазифаларни маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳал қилиниши имконсиз ҳисобланади. Муайян ҳудудий даражадаги шундай масалалар борки, давлат даражасида ҳал қилиниши керак.

Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, инновациялар ва инновацион салоҳиятнинг структурасини белгилаш, ундан ва унинг таркибий қисмларидан нафақат миллий миқёсда, ҳудудларда, балки алоҳида корхона учун ҳам фойдаланиш зарурияти туғилади. Буларнинг барчаси потенциал имкониятларни янада тўлиқ очиш ва инновация соҳасида фойдаланилмаган захиралар миқдорини аниқлаш учун муҳим саналади. Мавжуд потенциал ресурслардан тўла фойдаланмаслик, имкониятлар ва фойдаланилмаган захиралар миқдорининг нотўғри баҳоланиши барча корхоналарнинг инновацион ривожланиш стратегиясини сусайишига олиб келади.

Юқоридаги маълумотлар асосида туризм соҳасини рақамли технологиялар воситасида ривожлантириш ва инновацион рағбатлантириш ҳамда инвестицияларни ташкилий-иқтисодий механизми орқали туризм кластер моделини ташкил этувчи туристик корхоналар рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш асосида ижтимоий-иқтисодий ўсиш сифатини ошириш амалга ошириш назарда тутилган. (3-расм)



3-расм. Рақамли технологияларга асосланган туристик кластер модели [15]

Ушбу рақамли технологияларга асосланган туристик кластер модели биринчи навбатда туризм соҳаси вакиллари учун мўлжалланган бўлиб, маҳаллий ва

хорижий туроператорлар, сайёҳлик агентликлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, гидлар ва сайёҳат блогерлари, туризм билан боғлиқ бўлган ёндош тармоқлар учун мўлжалланган. Мақсади Ўзбекистон туристик ресурсларини туристик маҳсулот сифатида мамлакат ичида ҳам, хорижда ҳам тарғиб қилишдан иборат.

Шу нуқтаи назардан бугунги кунда рақамли технологиялар асосланган туристик кластерни жорий этиш туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини шакллантиради, бу эса транзакция харажатларини камайтириш ва рақамли хизматлар ва платформалар иштирокчиларининг хабардорлигини ошириш орқали туризм маҳсулотининг деярли барча таркибий қисмларига тобора кўпроқ таъсир кўрсатади.

Туризмда рақамли технологияларни жорий этиш бўйича стратегия қоидалари куйидагилар:

- туризмни ривожлантириш учун рақамли платформа яратиш;
- кўп тилли хизматларни жорий этиш ва ривожлантириш чет эллик сайёҳларга шаҳарларда навигация қилишда ёрдам бериш, ўз-ўзига хизмат кўрсатишни таъминлаш (меҳмонхоналарни брон қилиш, экскурсиялар, диққатга сазовор жойлар ҳақида маълумот, туристнинг ҳоҳишига қараб овқатланиш);
- соддалаштирилган электрон туристик харитани ишлаб чиқиш ва жамоат транспортида сайёҳлар учун тезроқ сайёҳат, шу жумладан метро, автобуслар, шаҳарда бўлиб ўтадиган воқеалар ҳақида ва музейларга ташриф буюриш учун чегирмалар ҳамда шаҳарнинг бошқа маданият муассасалари ҳақида маълумот олиш;
- туристик корхоналарни хизмат кўрсатиш сифатини баҳолашнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш;
- туристларни шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари, умуман шаҳарлар, музейлардаги экспонатларнинг турли хил турлари билан таништириш учун виртуал ҳақиқат (VR) технологияларини жорий этиш орқали шароит яратиш;
- катта маълумотлар (Big Data) технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, чунки тезроқ ва яхшироқ маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш имконини беради;
- туристик маршрутни онлайн хизматларини яратиш билан ишлаб чиқиш чипталарни сотиб олиш ва меҳмонхоналарни брон қилиш имконияти;
- туризм фаолиятида яқка тартибдаги тадбиркорларни жалб қилиш учун электрон платформа яратиш (гидлар, инструкторлар, экскурсия гидлари);
- дисплей объектлари учун мультимедиа иловаларини ишлаб чиқиш, GPS навигация билан интеграция қилиш имкониятига эга аудио ва видео қўлланма хизматлари, сўровларни яратиш учун QR-кодларидан фойдаланиш.

Келажакни башорат қилиш усулларини ҳисобга олган ҳолда туристнинг профил моделини тасаввур қилайлик (4-расм).

Бугунги кундаги кўплаб сайёҳлар уларга сифатли хизмат кўрсатилишига ўрганишган. Шу нуқтаи назардан тадқиқотларимиз натижасида йиғилган маълумотлар асосида рақамли технологиялар асосида туризм хизматлар истеъмолчиси профилининг модели бугунги кундаги рақамлашган платформалар учун энг оммабоп ҳисобланади. Ўзгариш бериш, йилдан-йилга рақамли платформалар, турли хил иловалар ва ижтимоий тармоқлар ҳам оммалашиб бораёпти. Туристлик корхоналар бугунги кунда самарали бизнес олиб боришлари учун юқорида тилга олинган онлайн платформаларда ўз профилини яратишлари ва фаол равишда рақамли маркетинг билан шуғулланишлари замон талаби ҳисобланади.

Туристларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш турли омилларга боғлиқ. Авваламбор, мамлакатда тадбиркорлик учун яратилган шарт-шароитлар, инсонларнинг турмуш даражаси, инфляция даражаси, туристик хизматларга талаб ва ҳоказолар туризм соҳасига турлича таъсир кўрсатади.



4-расм. Рақамли технологиялар асосида туризм хизматлар истеъмолчиси профилнинг модели [16]

Хулоса ва таклифлар (Conclusion)

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, рақамли технологиялар миллий туризм корхоналаримиз ўртасида рақобатбардошликни ошириш, иқтиқболда корхона ишчи ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш ва дастурий-техник воситаларга қилинаётган ҳаражатларни камайитириш, туристик корхона миқозларига замонавий рақамли хизматларини таклиф этиш ва мавжудларини ўз миқозлари талаблари асосида такомиллаштириш, миқозларга сифатли хизмат кўрсатиш, ҳамда турли моддий кўринишдаги рағбатлантиришларни амалга оширишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беради. Шу боисдан миллий туризм соҳасини истиқболда рақамли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шундай қилиб, туризм индустриясида рақамли технологияларнинг ривожланиши нафақат соҳа самарадорлигини, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан яқинроқ интеграциялашуви ва технологик модернизация туфайли ривожланишнинг янги босқичига олиб келади.

Республикамызда рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида туризм соҳасида, айниқса, туристларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш жараёнида рақамли технологияларнинг қуйидаги элементларидан фойдаланиш юқори самара беради.

Жумладан:

-юкори сифатли хизмат кўрсатишда рақамли иқтисодиётнинг “сунъий ақл” технологияси туризмда хизмат кўрсатиш бўйича замонавий робототехнологияни қўллаш имконини бериб, бундай технологиялар ёрдамида юкори сифатли хизмат кўрсатиш инсон иштирокисиз (эшитиш, кўриш, хотирада сақлаш, ёрдам кўрсатиш кабиларни қурилмалар асосида бажаради) амалга оширилади.

- аэропортларда юзни аниқлаш технологияларидан фойдаланиш орқали таъриф буюрган туристнинг маълумотларини имконини беради.

-туризмда блокчейн технологияси ёрдамида турли туристик хизматлар блоклар занжири-блокчаларга бўлинган шундай маълумотлар базасини яратиш имкониятига эга бўлинадики, бунда ушбу маълумотларни ўзгартириш, сохталаштиришнинг мутлақо имкони бўлмайди.

-туризм соҳасида крипто-активларда соҳага жалб қилинадиган крипто-валюталарнинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этадиган лойихаларни амалга ошириш, уларни капиталлаштириш ҳамда крипто-активлардан кафолатланган идентификацияланган асосий рақамли молиявий инструмент сифатида фойдаланиш имкониятини яратади.

-туризм соҳасида рақамли технологияларни DATA MINING элементи асосида фаолиятини ташкил этиш турли крипто-валюталарда хизмат кўрсатишда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва сервисда янги блоклар яратиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.04.2022 йилдаги ПҚ-232-сонли “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/5991928>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелда “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сон Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-162-сон Қарори
4. D. Buhalis, eTourism: Information technology for strategic tourism management, Pearson (Financial Times/Prentice Hall), London (2003)/ISBN 0582357403.
5. Н. Морозова, М. Морозов, Информационное обеспечение туризма. Учебник. Москва, КноРус, 2016 год. стр.7
6. Абдурахманов К.Х. Менежмент туризма: учебное пособие. – Т.: Флиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” в г. Ташкенте, 2013. – 248 б.
7. Тухлиев И.С., Абдухамидов С.А. Туризм: назария ва амалиёт. Дарслик (Учинчи нашр) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021.-424 бет.
8. Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Докторлик диссертация автореферати-С, 2019; 120 б.;
9. Сафаров Б.Ш. “Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик услубий асосларини такомиллаштириш” докторлик диссертацияси, 18-бет
10. Норчаев А.Н. “Туризмда рақамли инновацион технологияларни жорий қилиш йўналишлари”, Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali. № 2/2020/ (00046), 215-222- бет
11. Жанзаков Б.К.Факторы влияющие на развитие въездного туризма Узбекистана. Сервис илмий-амалий журнал. (2019). 97-101 бетлар.
12. Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан таъриф ишлаб чиқилди
13. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди
14. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди
15. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди
16. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди